

*Зайнабиддинов Комилжон Адилжонович*

*“Sayyora favvorasi” корхонасининг*

*ижрочи директори*

*Эргашев Сирожиддин Абдигоффорович*

*Андижон давлат университети ўқитувчиси*

## **АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КЛАСТЕРЛАРНИНГ ХУДУДНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ**

***Аннотация:** Ушбу мақолада, Андижон вилоятида аҳолини иш билан таъминланишида, аҳоли даромадларини ортишида ва ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида пахта-тўқимачилик кластерларининг роли ҳақида фикр юритилган.*

***Калит сўзлар:** қўшимча қийматли маҳсулот, ҳудудий номутаносиблик, пахта-тўқимачилик кластерлари, меҳнат ресурслари, иқтисодий-ижтимоий объектлар, иш ўрни*

*Зайнабиддинов Комильджон Адилжонович*

*Исполнительный директор*

*Предприятие «Sayyora favvorasi»*

*Эргашев Сирожиддин Абдигоффорович*

*Преподаватель*

*Андижанского государственного университета*

## **РОЛЬ КЛАСТЕРОВ, СФОРМИРОВАННЫХ В АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ, В ЭКОНОМИЧЕСКОМ И СОЦИАЛЬНОМ РАЗВИТИИ РЕГИОНА**

***Аннотация:** В данной статье рассматривается роль хлопко-текстильных кластеров в обеспечении занятости населения Андижанской*

области, в увеличении доходов населения и в экономическом и социальном развитии регионов.

**Ключевые слова:** продукция с добавленной стоимостью, территориальный дисбаланс, хлопко-текстильные кластеры, трудовые ресурсы, экономические и социальные объекты, рабочие места.

**Zainabiddinov Komiljon Adilzhonovich**

*Executive Director*

*enterprise "Sayyora favvorasi"*

**Ergashev Sirozhiddin Abdigofforovich**

*Teacher at Andijan State University*

## **THE ROLE OF CLUSTERS FORMED IN THE ANDIJAN REGION IN THE ECONOMIC AND SOCIAL DEVELOPMENT OF THE REGION**

**Annotation:** *This article examines the role of clusters in providing employment to the population of the Andijan region, increasing incomes of the population and, as a consequence, in the economic and social development of the regions.*

**Key words:** *value-added products, territorial imbalance, cotton-textile clusters, labor resources, economic and social facilities, jobs.*

Хар бир ҳудуд ўзининг табиий, иқтисодий-ижтимоий имкониятларига эга ҳамда ушбу имкониятлардан фойдаланишда ҳам фарқлар катта. Шу сабабдан минтақалар ўртасидаги тараққиёт даражаси ҳам турличадир. Осиёда ривожланаётган давлатларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, саноатлашувнинг йирик шаҳарларда мужассамлашуви ва бошқа ҳудудларни эса четда қолиши билан характерлидир ва бу ҳолат Ўзбекистон ҳудудларида ҳам кўзга ташланади. Андижон вилоятида ҳам халқ-хўжалиги тармоқлари айниқса, саноат тармоқларини ривожланишида мужассамлашув даражаси юқори. Бунга сабаб собиқ иттифоқ даврида вилоятнинг туманлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи минтақа сифатида қаралганлиги. Туманларда бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини илк қайта ишлаш

билан боғлиқ бир томонлама хўжалик тармоқлари шакллантирилган. Умуман иттифоқ даврида бозор тамойилларига амал қилинмаган, талаб ва таклиф тушунчалари ўз аҳамиятини йўқотган ва унинг ўрнини режалаштириш тушунчаси эгаллаган эди.

Республикаимиз саноатини ҳудудий ташкил этишда 2018-йилдан янги давр бошланди, яъни жаҳон тажрибаларида синовдан ўтган маҳаллий органлар билан алоқада, лекин буйсунмайдиган циклли ишлаб чиқариш туфайли кўшимча қийматли маҳсулот ярата оладиган, давлатимизнинг экспорт салоҳиятини кескин орттира оладиган кластер бирлашмалари ташкил этиш бошланди.

**Натижа ва муҳокама.** Чет эл ва давлатимиз ичидаги сармоядорлар ўз сармояларини бугунги кунга қадар асосан йирик марказларга қўйишга интилиб келди. Бу ҳолат бозор иқтисодиёти шараоитида табиий ҳолат, бироқ эндиликда четда қолаётган ҳудудларга сармоя киритиш ва бу ҳудудлар имкониятларидан фойдаланиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг асосига айланди.

Дарҳақиқат, ҳудудий номутаносиблик туфайли ва ҳудудлар имкониятидан самарали фойдаланмаслик туфайли кўп сонли меҳнат ресурслари хорижга чиқиб кетиб ишлаб келмоқда. Бинобарин, мамлакат илмий асосланган ҳудудий сиёсатининг асоси, ҳудудларнинг устивор тармоқларини белгилаш ва бу тармоқларни эса минтақа иқтисодиётининг “локомотиви”га айлантиришдир.

Юқоридаги жадвалда вилоят иқтисодиётида кластерларнинг аҳамияти йилдан йилга ортиб бораётганлиги кўриниб турибди. 2019-2022 йиллар давомида “Skorton Textile” МЧЖ, “Asaka Textile” МЧЖ, “Qadirtextile Cluster” МЧЖ, “Al-Hakim” МЧЖ лар шаклланди. Бу кластерларнинг баъзилари янгидан ташкил топган бўлса, баъзилари фаолият олиб бораётган кластерларни етиштираётган пахта хом-ашёсини тўлиқ қайта ишлай олмаётганлиги туфайли бириктирилган ер майдонини янги кластерга ажратиб бериш орқали ташкил этилди. Аксарият кластер бирлашмалари вилоят ва

республика миқёсида фаолият турларини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Умуман олганда кластерлар қамровини кенгайтириш лозим айниқса, қўшимча қийматли маҳсулотлар яратиш борасида хали қилиниши керак бўлган ишлар кўплиги жадвал маълумотларидан кўриниб турибди.

## Вилоят иқтисодиётида кластер хўжалиги қамровини кенгайтириш

*1-жадвал*

№	Йиллар	2019 й	2020 й	Ўтган йилга нисбатан (марга)	2021й	Ўтган йилга нисбатан (марга)	2022й	Ўтган йилга нисбатан (марга)
1	Кластер сони	11	13	1,2	15	1,1	15	1,0
2	Бириктирилган майдони	7800	24500	3,1	42000	1,7	74974	1,7
3	Ялпи пахта ҳосили	51063	187500	3,6	278000	1,4	284750	1,02
4	Пахта толаси	17360	63750	3,6	94520	1,4	96815	1,02
5	Калава-ип	9400	18900	2,0	68800	3,6	135300	1,9
6	Мато	2100	4600	2,2	28800	6,2	30790	1,06
7	Бўяш	0	9000	0	24600	2,7	39978	1,6
8	Тайёр маҳсулот	5600	32400	5,7	42500	1,3	44900	1,05
9	Ишчи кучи	5200	14800	2,8	22500	1,5	33535	1,5

*Манба: Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилди*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022-йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Андижон вилояти ҳудудларида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасининг келгуси беш йилдаги истиқболларини ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарнинг «ўсиш нуқталари»ни белгилаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш орқали аҳоли саломатлиги ҳамда турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди.[1] Қарорнинг 4 бандига кўра учинчи илова ишлаб чиқилди, унга кўра ҳар бир туман ва шаҳарларни “драйвер” соҳалари белгилаб олинди. Вилоятимизнинг Хўжабод, Пахтаобод, Олтинкўл, Избоскан, Қўрғонтепа, Улуғнор, Жалакудук, Бўстон туманлари ва Андижон шаҳрининг ихтисослашувида тўқимачилик саноати локаматив

тармоқ сифатида киритилди.

Минтақаларда ташкил этилаётган пахта-тўқимачилик кластерлари ҳудуд таракқиёти учун қандай аҳамиятга эга ва ташкил этиш, жойлаштиришда нималарга эътибор бериш лозим. Аҳолининг зичлиги, меҳнат ресурсларининг етарли ёки ортиқча бўлиши давлат учун бир қанча муаммоларга сабаб бўлади. Дарҳақиқат, агарда мавжуд меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашда камчиликлар бўлса бу ҳудуд ривожланишини ортга тортиши тайин. Аксинча агарда мавжуд меҳнат ресурсларини иш билан таъминлай олиши эса ҳудуд имкониятларини юксалтиради. Шу сабабдан пахта-тўқимачилик кластерлари туманларда аҳолини иш билан таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

**Туманларда меҳнат ресурсларининг иш билан таъминланишида  
кластерлар улиши 2-жадвал**

Ҳудуд номи	Кластер номи	Кластердаги ишчилар сони	Тумандаги меҳнат ресурслари	Кластердаги ишчилар нинг тумандаги меҳнат ресурсларидаги улиши
Андижон	«Sohib Omad Barakasi» МСНЖ	1968	118400	1.6
Балиқчи	«Tetratex» МСНЖ	2705	90100	4.7
	«Skorton Textile» МСНЖ	1602		
Булокбоши, Хўжаобод	«Хо'jaobod Fayz-M» МСНЖ	550	116200	0.47
Бўстон	«Sayyora Favvorasi» МСНЖ	3160	31300	10.0
Избоскан	«Best Textile» МСНЖ	2264	101900	2.2
Улуғнор	«Vodiy Sanoat Faxri» МСНЖ	720	27500	5.5
	«Asaka Textile» МСНЖ	815		
Мархамат	«Marhamattextil» МСНЖ	2034	78700	2.5
Олтинқўл	«Qadirtextile Cluster» МСНЖ	545	79200	0.6
Пахтаобод	«Oltin Mato Tex» МСНЖ	769	79100	1.5
	«Al-Xakim» МСНЖ	490		
Шахрихон	«Saxovat Tex» МСНЖ	3061	126200	2.4
Жалақудук	«Al'yortex» МСНЖ	4421	85900	6.0

	«Asaka Textile» МСНЖ	815		
Қўрғонтепа	«Khantex Group» МСНЖ	6012	98600	7.7
	«Skorton Textile» МСНЖ	1603		
Вилоят бўйича:		33535	1403000	2.3

*Манба: Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилди*

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, вилоят меҳнат ресурсларини 2.3% кластерлар хўжалиги ишлаб келмоқда. Айниқса, Бўстон туманида меҳнат ресурсларининг 10% шу кластер хўжалигида ишлаётган бўлса Қўрғонтепа туманида эса бу кўрсаткич 7.7% ни ташкил этган. Жалакудук, Улуғнор ва Балиқчи туманларида ҳам меҳнат ресурсларининг катта қисми кластер хўжалигида ишлаб келмоқда. Бўстон туманида 2018-йилга қадар йирик ишлаб чиқариш бирлашмаси мавжуд эмас эди. Аҳоли асосан норасмий кунлик ишлар ёки хорижга чиқиб ишлаб келган. Шу сабабдан кластер меҳнат ресурсларини катта қисмини иш билан таъминлашга эришди ва минтақа ишсизлик даражасини кескин камайтирди. Улуғнор ва Балиқчи туманларидаги ҳолат ҳам Бўстон туманига ўхшаб аҳолининг катта қисми доимий иш жойига эга эмас эди. Жалакудук ва Улуғнор туманида бир вақтнинг ўзида иккита кластер бирлашмаси фаолият олиб бораётганлиги сабабли уларда меҳнат ресурсларини қамрови катта. Шу билан бирга Булоқбоши, Хўжаобод, Олтинкўл туманларида меҳнат ресурсларининг кластерлардаги қамрови 1% га етмайди. Булоқбоши туманида кластерда ишловчиларнинг камлиги туман ихтисослашувида тўқимачилик тармоғининг ўрни катта эмаслиги ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларининг озлиги бунга сабаб бўлади. 2022-йилга келиб Булоқбоши, Хўжаобод туманида фаолият олиб бораётган “Хо’жаобод Fayz-M” МЧЖ 13000 тонна калава-ип, 5400 тонна тўқимачилик маҳсулоти, 7300 тонна тайёр трикотаж маҳсулоти ва 8000 тонна чигитни қайта ишлай оладиган саноат фондлари барпо қилди. Ҳисобот даврида бу саноат фондларидаги ишчилар сони берилмаганлиги учун меҳнат ресурсларни қамров кўрсаткичи паст чиққан. Олтинкўл туманидаги ҳам “Qadirtextile Cluster” МЧЖ томонидан 1000 нафар ишчини доимий иш билан таъминлайдиган мато тўқиш ва тикувчилик фабрикасини ишга солди, фақатгина ҳисобот даврида бу

кўрсаткичлар берилмаган. Аммо вилоят миқёсида аҳолини иш билан таъминлашда кластерларни салмоғи етарли эмас, шу сабабдан мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб пахта-хом ашёсини тўлиқ қайта ишлаш ва ушбу цикл билан боғлиқ тармоқларни ривожлантириш меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Кластерлар аҳолини даромадларини ортишида ва ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта роль ўйнамоқда. Бўстон туманидаги “Sayuoga Favvorasi” кластер бирлашмаси ҳар бир ходимга ойига 2,5 млн сўм иш ҳаққи, йилига 7,2 млн сўм устама тўлов ва 6,0 млн сўм мукофот пули бермоқда. Бундан ташқари йилига 6,8 млн сўм кўшимча молиявий рағбатлантиришни амалга ошириб келмоқда[2]. Якунда жами бир ишчи ходим 50 млн сўм даромад қилмоқда. Бу эса ҳудудда турли иқтисодий-ижтимоий объектларнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Олдинлари тумандаги аҳоли оддий кундалик истеъмолдаги молларни ҳам Шаҳрихон шаҳридан олиб келар ва оддий савдо дўконлари ва умумий овқатланиш муассасалари ҳам талаб даражасида эмас эди. Бугунги кунга келиб Бўстон шаҳарчаси кенгайиб ҳақиқий шаҳар кўринишга келди. Хусусан, кластер томонидан 2022-йил инвестицион дастур доираси асосида ўз ҳисобидан 100 нафар доимий иш ўринлик жами 2.5 млн АҚШ доллар миқдорига тенг 500 бош қорамолга мослашган замонавий чорва фермаси куриб битказилди, бу билан энергия ишлаб чиқариш цикли юзага келди. Дания давлатининг “Bovidenmark A/S” компаниясининг зотдор 200 бош қора моллари олиб келинди ва қолган 300 бош қорамоллар режа асосида олиб келинмоқда. Бирлашма томонидан хизмат кўрсатиш (авто салон, нон цехи, сартарошхона, тўйхона, чойхона ва мактабгача таълим муассасаси) соҳасида жами 200 нафар ходим ишламоқда.

Кўрғонтепа туманидаги «Khantex Group» МЧЖ републикамиздаги энг йирик ва тўлиқ циклли замонавий кластери ҳисобланади. Замонавий бошқарув тизими, кўшимча қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришда вилоятдаги энг илғор тузилма десак янглишмаймиз. Кластер негизида “Khantex Oil” МЧЖ ёғ-

экстракция заводи ташкил этилди ва бир неча юзлаб ишчиларни иш билан таъминлади. Туманнинг Савай массивида мева сабзавотларни қуритиш ва қайта ишлаш заводи, қорамол ва қўй териларини қайта ишловчи чарм поябзаллари ишлаб чиқарувчи фабрика қурилди ва шу фондлар ҳисобига қўшимча 2000 нафар иш ўрни яратилди. Кластер тизимида ишловчи ходимлар соғлигини таъминлаш мақсадида 500 ўринли профилактория ва тумандаги 21 та массивда миллий хаммом ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилди[3]. 2022-2023 йил дастурида бу кластер яна 64000 тона уруғлик чигит тайёрлайдиган завод ва яна шунча чигитни қайта ишловчи корхона барпо этмоқда, бу лойиҳаларнинг амалга ошиши яна қўшимча 915 ишчи ўрнини яратади.

**Хулоса.** Вилоятда кластерларни ташкил этиш ва тўғри жойлаштириш катта иқтисодий самарага эга эканлиги кундай равшан ҳамда минтақада иқтисодий-ижтимоий инфраструктура объектларини ривожланишда, аҳолини иш билан таъминлашда катта аҳамиятга эга. Республикамизда кластерларни ташкил этиш ва қўллаб қувватлаш юзасидан ҳуқуқий асос шакллантирилди ва мавжуд шароитдан келиб чиқиб шакллантирилмоқда, яратилаётган кенг имкониятлардан тўғри фойдаланиб бозор талаблари асосида иш ташкил этиш давлатимиз кластер сиёсатининг асоси ҳисобланади. Давлат дотацияларидан ва имтиёзли кредитлардан керагидан ортиқ фойдаланиб аммо ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштирамаслик “псевдокластерлар” (сохта кластер) юзага келишига замин яратади.

Кластер ташкил этиш назариясига кўра бир ҳудудда бир-бири билан боғлиқ тармоқларнинг мужассамлашуви катта самара беради, яъни ҳудудий бирликка катта эътибор бериш аста-секинлик билан ҳудуд имкониятларидан келиб чиқиб тўлиқ циклли ишлаб чиқаришга интилиш лозим. Шунда бу кластер бугунги рақобат муҳитида енгиб чиқади ва ривожланади.

**Фойдаланган адабиётлар:**



збекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2022 йил  
апрелдаги 204-сонли қарори. <http://lex.uz>.

ндижон вилояти қишлоқ хўжалиги бош бошқармаси маълумотлари. 2017-2022  
й

ндижон вилояти статистика бош бошқармаси маълумотлари.

Мигранян. А.А. Теоретические аспекты формирования конкурентоспособных  
кластеров. // Вестник КРСУ. 2002., №3.

Sayyora favvorasi” МЧЖ корхонаси 2022-йил хисоботи

Khantex Group” МЧЖ корхонаси 2022-йил хисоботи